



journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

LEGAL BASIS OF PREVENTION AND FIGHT AGAINST CORRUPTION IN THE FIELD OF SPORTS

Karimjon Khusankhanovich Musashaykhov

Master's student

Law enforcement academy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: corruption in sport, convention, anti-corruption, regulation of legislation.

Received: 04.04.24

Accepted: 06.04.24

Published: 08.04.24

Abstract: The article deals with the analysis of legislative acts aimed at legal regulation at the international and national levels of the fight against corruption in the sphere of sport. The study will outline the advanced standards and recommendations for combating corruption in the sphere of sport established by international legislation. The issues of legal regulation of the sphere of sport, including prevention and counteraction to corruption, will be cited within the framework of the legislation of Uzbekistan. In this regard, proposals will be made to improve legislation and organisational and managerial activities.

СПОРТ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Каримжон Хусанханович Мусашайхов

Магистратура талабаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: спортдаги коррупция, конвенция, коррупцияга қарши курашиш, қонунчиликни тартибга солиш.

Аннотация: Мақолада спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ва миллий даражада ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари таҳлили кўриб чиқилади. Тадқиқот давомида спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг халқаро қонунчиликда белгиланган илғор стандартлари ва тавсиялари баён қилинади. Ўзбекистон қонунчилиги доирасида спорт соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш, шу

жумладан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари келтирилади. Бу борада қонунчиликни ва ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ И БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ В СФЕРЕ СПОРТА

Каримджон Хусанханович Мусашайхов

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: коррупция в спорте, конвенция, борьба с коррупцией, регулирование законодательства.

Аннотация: В статье рассматривается анализ законодательных актов, направленных на правовое регулирование на международном и национальном уровнях борьбы с коррупцией в сфере спорта. В ходе исследования будут изложены передовые стандарты и рекомендации по борьбе с коррупцией в сфере спорта, установленные международным законодательством. В рамках законодательства Узбекистана будут приведены вопросы правового регулирования сферы спорта, в том числе по предупреждению и противодействию коррупции. В этой связи будут выдвинуты предложения по совершенствованию законодательства и организационно-управленческой деятельности.

КИРИШ

Хеч кимга сир эмаски, коррупция кеча ва бугун пайдо бўлиб қолган, фақат бир мамлакатга хос ижтимоий иллат эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларида қайд этилганидек, коррупция ҳеч қайси мамлакатни четлаб ўтмайдиган мураккаб ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодисадир.

Шу боис, коррупция локал муаммодан бутун жамият ва барча мамлакатлар иқтисодиётiga дахл қиласидиган ва бу билан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг жуда муҳим аҳамиятини белгилайдиган глобал ҳодисага айланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шу жиҳатдан, Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2020 йилнинг 24 январь куни эълон қилинган Мурожаатномасида “Бугунги кунда жамиятимизда коррупция балоси ўзининг турли хил шаклдаги кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлиб келмоқда. Ушбу балонинг олдини ўз вақтида олмасақ, ҳақиқий

ишибилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”, деган фикрлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, ҳар бир соҳани ташкил этиш, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифа ва функцияларини белгилаш, самарали фаолият юритиши учун хуқуқий асосларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши муҳим ҳисобланади.

Айрим муаллифлар тўғри қайд этганидек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг устувор хуқуқий асосларини халқаро хуқуқий хужжатлар ҳамда миллий қонунчилик хужжатлари билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Негаки, коррупцияга қарши қурашиш сиёсати соҳасида минтақавий ва хорижий тажрибадан кенгрок фойдаланиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, спорт соҳасидаги, биринчи навбатда, коррупция билан боғлиқ кўплаб жиноятлар трансмиллий хусусиятга эга эканлиги ва уюшган жиноий гуруҳлар иштирокида содир этилишини инобатга олиб, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси муҳим ҳисобланиб, бунда давлатлар зиммасига коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш учун қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш мажбуриятини юклайди.

Албатта, Ўзбекистон мазкур Конвенцияга 2003 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги 536-II-сон қарори билан қўшилган бўлиб, унинг қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Қайд этиш жоизки, 2004 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қабул қилинганида спорт соҳасидаги коррупция мавзуси бугунги кундагидек халқаро ҳамжамият учун у қадар жиддий муаммога айланмаган эди.

Конвенцияда коррупциянинг ҳозирда мавжуд бўлган ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган турли шакллари баён қилиб ўтилган.

Хусусан, Конвенцияда порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ноқонуний бойлик орттириш (шу жумладан, хусусий секторда) учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонун билан қўшилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Халқаро молиятижорат битимларини амалга оширишда хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши

курашиш бўйича Конвенцияси”да давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг 28-бандида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конвенцияга қўшилиши бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

2015 йилда Халқаро футбол федерациясида (FIFA) ва 2016 йилда Халқаро енгил атлетика федерациясида (IAAF) юзага келган коррупция можоралари, шунингдек Transparency International ташкилоти томонидан 2016 йилда чоп этилган “Global Corruption Report: Sport” (Спортдаги коррупция бўйича глобал ҳисобот) маҳсус ҳисоботи ушбу муаммога бутун мутахассислар ва халқаро ҳамжамият эътиборини тортди.

Шундан сўнг, БМТ томонидан 2018 йил 3 декабрда 73/24-сонли “Спорт барқарор ривожланишни таъминлаш омили” резолюцияси, 2018 йил 17 декабря 73/190-сонли “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва коррупциядан олинган даромадларни ўтказиш, активларни қайтариб олишга ёрдам бериш ва бундай активларни қонуний эгаларига, хусусан келиб чиқсан мамлакатлари қайтариш” резолюцияси, 2020 йил 1 декабрда 75/18-сонли “Спорт барқарор тарақкиётни таъминлаш омили” резолюцияси, “Коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги муаммоларни ва чора-тадбирларни самарали ҳал этиш ва амалга ошириш бизнинг умумий мажбуриятимиз сифатида унга қарши курашиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” сиёсий декларацияси қабул қилинган.

Шунингдек, 2021 йил 9 январь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг коррупцияга қарши кураш бўйича биринчи маҳсус сессиясида БМТнинг тарихида биринчи маротаба “Спортда коррупция глобал ҳисоботи” эълон қилинди.

Европа даражасида бир бирини тўлдирадиган ва спорт соҳаси учун бир хил аҳамиятга эга бўлган коррупцияга қарши конвенциялар алоҳида ўрин тутади, булар – коррупция учун жиноий жавобгарлик ва коррупция учун фуқаролик-хукуқий жавобгарлик конвенцияларидир.

Коррупция учун фуқаролик-хукуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияда “коррупция” тушунчасига “пора олувчидан пора ёки бошқа ҳар қандай афзалликларни ёки шундай ваъдаларни, ҳар қандай вазифани қонуний бажармаслик ёки шундай ҳаракатни амалга ошириш учун қонунга хилоф фойда ёки шундай ваъдани бевосита ёки билвосита илтимос қилиш, таклиф қилиш, бериш ёки олиш”, - деб таъриф берилган.

Бироқ, ушбу таъриф ҳам спортдаги коррупциянинг аксарият ҳолатларини қамраб олади, холос.

Конвенция нафақат коррупция тушунчасини аниқ белгилаб беради, балки “етказилган моддий заар, бой берилган молиявий фойда ва номоддий заарни” қоплаш тартиби ва жавобгарликни ҳам назарда тутади.

Коррупция учун жиной жавобгарлик конвенциясида “коррупция” тушунчаси мавжуд бўлмасада, аксинча коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тушунчаси, порахўрлик ва бошқа коррупциявий қилмишларнинг турларига таърифлар берилган.

2014 йилда Маглинген шаҳрида (Швейцария) Европа Кенгашининг Спорт мусобақаларини манипуляция қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Маглинген конвенцияси) қабул қилинди, бу ҳозирги кунга қадар ушбу салбий ҳодисага қарши қурашиш бўйича ягона халқаро кўп томонлама келишувдир. Конвенция 2019 йил 1 сентябрдан кучга кирган.

Қайд этиш мумкинки, халқаро конвенциялар “юмшоқ ҳукуқ” хужжатлари бўлиб, улар коррупцияга қарши қурашда биринчи навбатда жиной-ҳукуқий ёндашувни қўллаб-қувватласада, мазкур йўналишдаги ишларни қандай ташкил этиш ва ижобий натижаларга қачон эришиш бўйича миллий юрисдикция доирасида давлатларнинг ўз ихтиёрига ҳавола қиласди.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда коррупцияга, шу жумладан спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши қурашиш борасида ҳукуқий асослар қабул қилиниб, мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Жумладан, 2017 йил 3 январь куни “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун асосида коррупцияга қарши қурашиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мазкур соҳада коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирлар, коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш ва бу борада халқаро ҳамкорликка оид чоралар мустаҳкамлаб қўйилди. Баъзи муаллифлар тўғри қайд этганидек, мазкур Қонунда коррупцияга қарши қурашнинг ҳукуқий механизми яратилган бўлиб, у давлат ва жамият тақдири, халқ келажагига, қолаверса, ҳар бир фуқарога дахлдор бўлган муҳим норматив-ҳукуқий хужжат ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзининг туб моҳияти билан айнан коррупцияни тагтомири билан йўқ қилишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

Хусусан, унда белгиланган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат хизматини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларнинг мақсади энг аввало, барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиз отишига шароит яратадиган сабабларни бартараф этишдан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясининг ижросини таъминлаш мақсадида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида давом эттирилаётган изчил ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам коррупция иллатларига барҳам беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ислоҳотларнинг мантикий давомида қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мамлакатимизни янада тараққий эттириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Зеро, мазкур Тараққиёт стратегиясининг 84-мақсадида коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам коррупциянинг олдини олиш назарда тутилган бўлиб, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш Стратегияниг 89-мақсади сифатида белгиланган.

Албатта, бу борада спорт соҳасидаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган ҳуқукий асосларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида белгиланган, давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади, - деган қоида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Конун 2015 йил 4 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон қарори билан 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Хусусан, унда илғор жаҳон тажрибаси асосида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришни илмий-методик таъминлашни такомиллаштириш устувор йўналишлар ва вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Ушбу хужжатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва узоқ муддатли ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан, спорт соҳасида замонавий усуллар ва йўналишларни жорий этиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига жисмоний тарбия ва спорт тизимида рақобат мухитини яратиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида спорт таълими муассасалари мутахассис ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2020 йилдаги 62-сон қарори билан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида Илмий-тадқиқот ва инновация маркази ташкил қилинди.

Марказнинг асосий вазифаларидан бири сифатида спорт соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, спорт соҳасидаги долзарб илмий муаммоларга бағишлиланган илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ташкил этиш белгиланган.

Шунингдек, сўнгги йилларда спортнинг қураш, футбол, бокс, шахмат, қўл жанги, дзюдо, таэквондо, гимнастика, каратэ ва киберспортни турларини алоҳида ривожлантириш, соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, рақамлаштириш орқали инсон омили аралашувини кескин қисқартириш каби чора-тадбирларни ўз ичига олган норматив-хуқукий хужжатлар қабул қилинди.

Алоҳида эътироф этиш керакки, спорт инсон фаолиятининг глобал маҳсули ҳисобланиб, у 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, БМТ Бош Ассамблеяси БМТнинг Тараққиёт ва тинчлик учун спорт бўйича Ҳаракат дастурига мувофиқ, саъй-ҳаракатларни тўртта устувор йўналишга қаратишни таклиф қилган:

- а) тараққиёт ва тинчлик учун спортдан фойдаланишининг глобал асосларини янада ривожлантириш;
- б) барча ривожланиш дастурлари ва сиёсатларида тараққиёт ва тинчликни рағбатлантириш воситаси сифатида спортнинг интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш;
- в) инновацион молиялаштириш механизмлари ва кўп томонлама келишувларни илгари сурин;
- г) мониторинг ва баҳолаш воситаларидан фойдаланишини рағбатлантириш.

Шу жиҳатдан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2019 йил 18 декабрда 74/170-сонли “Хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасида ёшларга

йўналтирилган стратегияларга спортни интеграциялаш” резолюцияси қабул қилинган. Унда спорт барқарор ривожланиши таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланиши мустаҳкамланган.

Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш орқали қўйидаги хulosаларни билдириш мумкин:

биринчидан, ҳар бир соҳани ташкил этишда соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солмасдан туриб, уни ривожлантириш бирмунча қийинчиликларни юзага келтиради. Шу сабабли, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиши ташкил этиш қайсиdir маънода ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асосларни яратишга боғлиқ;

иккинчидан, бугунги глобаллашув жараёнида коррупциянинг шиддат билан авж олиши ва уни дунё бўйлаб тарқалиши ушбу иллатни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда миллий ҳуқуқ нормаларини халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига асосан ишлаб чиқиш талаб этилади. Негаки, коррупцияга қарши фақатгина миллий ҳуқуқий институт ва механизmlар орқали қарши курашишининг имкони йўқ;

учинчидан, спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари умумеътироф этилган халқаро ҳужжатлар ва стандартларга ҳамда миллий ҳуқуқ тизимидағи энг асосий ва фундаментал аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади;

тўртинчидан, спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти халқаро конвенциялар, халқаро стандартлар ва тавсиялар, миллий қонунчилик ҳужжатлари, спорт ташкилотларининг ички ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Зоро, Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганларидек, “давлат қонунлар асосида курилмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва таркиби йўқолади”.

Шу билан бирга, бу борадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

– соҳадаги мавжуд коррупция хавф-хатарларни ўрганиш асосида, шу жумладан болалар ва ёш спортчиларга салбий таъсир кўрсатиш хавфини ҳисобга олган ҳолда спортдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш;

ХУЛОСА

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси тамойилларига мувофиқ, спорт ташкилотларининг қоидалари ва йўриқномаларини кўриб чиқиш ва янгилаш, шу жумладан бунда ўз ташкилоти фаолияти тўғрисида оммавий ҳисботларни тақдим этиш ҳамда фаолиятда юзага келаётган коррупция хавф-хатарларини баҳолаш асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг қамровли сиёсатни ишлаб чиқиш;

коррупция тўғрисида хабар бериш механизмларини соддалаштириш, шу жумладан маълумотларни аноним юбориш имкониятини яратиш;

спорт ташкилотлари фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва спортчилар фаолиятидаги одоб-аҳлоқ коидаларини белгиловчи намунавий одоб-аҳлоқ кодексини ишлаб чиқиш;

спорт ташкилотларини бошқариш бўйича ISO сертификатлаш стандарти, яъни спорт ташкилотларини амалдаги 37001 (пораҳурликка қарши), 37002 (хабар бериш), 37301 (мувофикликни бошқариш) ва 20121 (ҳодисалар барқарорлиги) стандартлари бўйича сертификатлаш тартибини жорий этиш;

спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларини янада кучайтириш бўйича “Ўзбекистон спортининг Коррупцияга қарши курашиш хартияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларини аниқ белгилаб берувчи “Спортда коррупцияга қарши чоралар тўғрисида” Қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида спорт мусобақалари натижаларини ёки унинг боришини қасдан ўзгартириш мақсадида спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг пора олиши ҳамда спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларига пора бериш учун алоҳида жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўрмаганлик учун спорт клублари ва бошка ташкилотларига нисбатан жиноий-хукуқий жавобгарлик чораларини белгилаш.

Албатта, мазкур таклиф этилган чоралар миллий спорт соҳасида ҳалолни таъминлаб, соғлом рақобат муҳитини юзага келтиришга имконият яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Коленко Е.В. “Ответственность за получение взятки: перспективы совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан с учетом международных стандартов”: автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам. – Ташкент, 2023. – 51 с.

2. Мусаев Э.Т. Правовое регулирование спортивных отношений // Монография. – Ташкент: ООО IMPRESS MEDIA, 2020.

3. Васькович В.П. К вопросу о месте спортивного права в системе отраслей отечественного права // Вестник Университета им. О. Е. Кутафина. -2015. - № 4. - С. 54-59.

4. Сараев В.В. Уголовно-правовая охрана в сфере профессионального спорта: дис. .канд. юрид. наук: 12.00.08. / Сараев Владимир Васильевич. - Омск, 2008. - 208 с.

5. Шевченко О.А. Актуальные проблемы формирования отрасли спортивного права / О. А. Шевченко // Вестник Омского университета. Серия «Право». - 2012. - № 2. - С. 258-261.
6. Дементьев Е.А. Средства государственно-правового воздействия на отношения в сфере спорта: автореф. дис. канд. юрид. наук: 12.00.01. / Дементьев Евгений Александрович. - Нижний Новгород, 2013. -25 с.
7. Лясковска К. Коррупция в спорте в Польше – правовой и криминологический аспекты // Уголовно-правовые и криминологические проблемы противодействия преступности в спорте: сб. материалов Всерос. науч.-практ. круглого стола. СПб., 2020. С. 65–73.
8. Трубицына Ю.Ю. Международные аспекты противодействия коррупции в спорте // Вестник Московского университета МВД России. – 2016. – № 7. – С. 115–117.
9. Anderson, J. Modern sports law. - London, 2010. - 424 p.
10. Evald, J., Halgreen, L. Sports law in Denmark. - Amsterdam, 2011. – 90
11. Lisa A. Kihl, James Skinner & Terry Engelberg (2017) Corruption in sport:understanding the complexity of corruption, European Sport Management Quarterly, 17:1, 1-5, <https://doi.org/10.1080/16184742.2016.1257553>
12. Global Corruption Report: sport. [Электрон манба]. – URL: https://www.transparency.org/whatwedo/publication/global_corruption_report_sport
13. Integrity in sport URL: <http://www.interpol.int/Crime-areas/Integrity-in-Sport/Integrity-in-sport>
14. O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvar kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga Murojaatnomasi. <https://www.press.uz> // . – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Matbuot xizmati rasmiy web-sayti. [http://\[www.ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-davlat-siyosatini-takomillashtirtish-masalalari#_ftn1\]](http://[www.ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-davlat-siyosatini-takomillashtirtish-masalalari#_ftn1]).
15. Kulturayev Sh. O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida davlat siyosatini takomillashtirtish masalalari. Maqola. [http://www.ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-davlat-siyosatini-takomillashtirtish-masalalari#_ftn1]. 07.01.2023.
16. Конвенция против транснациональной организованной преступности (принята в г. Нью-Йорке 15.11.2000 Резолюцией 55/25 на 62-м пленарном заседании 55-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН).
17. <http://lex.uz/docs/1328107>
18. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (принята в г. Нью-Йорке 31.10.2003 Резолюцией 58/4 на 51-м пленарном заседании 58-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН).

19. <http://lex.uz/docs/1369505>

20. Конвенция Организации экономического сотрудничества и развития по борьбе с подкупом иностранных должностных лиц при осуществлении международных коммерческих сделок (Париж, 17 декабря 1997 года [Электрон манба]. – URL: <https://mil.ru/anticorruption/docs/more.htm?id=12062346@egNPA>.

21. <http://lex.uz/docs/6676585>

22. ФИФА ва УЕФАда коррупция можоролари [Электрон манба]. – URL: https://ria.ru/FIFA_UUEFA_corruption_scandals_25102010/.

23. Коррупция в легкой атлетике: шесть спортсменов РФ под подозрением [Электрон манба]. – URL: <https://pasmi.ru/archive/164650/>.

24. Global Corruption Report: sport. [Электрон манба]. – URL: https://www.transparency.org/whatwedo/publication/global_corruption_report_sport.

25. Резолюция ООН 73/24 от 3 декабря 2018 г. «Спорт как фактор обеспечения устойчивого развития» [Электрон манба]. – URL: <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/73/24>

26. Резолюция 73/190 от 17 декабря 2018 года «Предупреждение коррупции и перевода коррупционных доходов, борьба с этими явлениями, содействие изъятию активов и возвращение таких активов законным владельцам, в частности, в страны происхождения, в соответствии с Конвенцией Организации Объединенных Наций против коррупции» [Электрон манба]. – URL: <https://undocs.org/ru/A/RES/73/190>

27. Резолюция 75/18 от 1 декабря 2020 года «Спорт как фактор обеспечения устойчивого развития резолюция» [Электрон манба]. – URL: https://undocs.org/ru/A/A_RES_75_18-RU.pdf

28. Политическая декларация «Наша общая приверженность эффективному решению проблем и осуществлению мер в сфере предупреждения коррупции, борьбы с ней и усиления международного сотрудничества» [Электронный ресурс]. – URL: <https://undocs.org/ru/A/S-32/L.1>

29. Глобальный отчет УПН ООН о коррупции в спорте [Электрон манба]. – URL: https://www-unodcorg.translate.goog/unodc/en/safeguardingsport/grcs/index.html?_x_tr_sl=en&_x_tr_tl=ru&_x_tr_hl=ru&_x_tr_pto=sc.

30. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (заключена в г. Страсбурге 27.01.1999) // Бюллетень международных договоров, № 9, 2009, С. 15–29.

31. Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Заключена в г. Страсбурге 04.11.1999) //

32. Конвенция Совета Европы против манипулирования спортивными соревнованиями (Маглиген / Маколин, 18 ноября 2014). – URL: <https://rm.coe.int/russian-cets-2015/16809ed41b>
33. <http://lex.uz/docs/3088008>
34. Korrupsiyaga qarshi kurashish. Darslik. // Mas’ul muharrir: A.SH. Bekmurodov: – Toshkent: “Akademiya”, 2022. – 64-bet.
35. <http://lex.uz/docs/3107036>
36. <http://lex.uz/docs/5841063>
37. <http://lex.uz/docs/6600413>
38. <https://lex.uz/docs/6445145>
39. <http://lex.uz/docs/2742233>
40. <https://lex.uz/docs/4200883>
41. <https://lex.uz/docs/4711327>
42. <https://lex.uz/docs/4725113>
43. <https://lex.uz/docs/3366161>
44. <https://lex.uz/docs/3589863>
45. <https://lex.uz/docs/5401223>
46. <https://lex.uz/docs/5222869>
47. <https://lex.uz/docs/6074030>
48. <https://lex.uz/docs/6074088>
49. <https://lex.uz/docs/6136761>
50. <https://lex.uz/docs/6325917>
51. <https://lex.uz/docs/6652968>
52. <https://lex.uz/docs/6285858>
53. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/about/development-agenda>
54. <https://undocs.org/ru/A/73/325>
55. [https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N19/429/68/PDF/N1942968.pdf?-OpenElement](https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N19/429/68/PDF/N1942968.pdf?OpenElement)
56. <https://temurtuzuklari.uz/uz>